

Холмуратов Салимбек Эшбекович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси доценти, и.ф.н.,
Қурбонов Самандар Пулаторович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчisi,
мустақил изланувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада мамлакатда интеллектуал меҳнат ресурсларининг халқаро мобиллиги жараёнларининг кучайиши шароитида меҳнат бозорида меҳнат миграциясини тартиблаштириши ва бошқариши муаммолари таҳлил қилинган, шунингдек, малакали ишчи кучи миграцияси ва ноконуний миграцияни самарали бошқариши учун халқаро меҳнат ташкилотининг имкониятларини аниқлашга эътибор қаратилган.

В статье анализируются проблемы регулирования и управления трудовыми миграциями на местном рынке труда в условиях международной мобильности интеллектуальных трудовых ресурсов в стране, также уделено внимание на определение возможности международной организации труда для более эффективного управления миграцией квалифицированной рабочей силы и нелегальной миграцией.

The article analyzes the problems of regulation and management of labor migration in the local labor market in the context of international mobility of intellectual labor resources in the country, and also focuses on determining the possibility of an international labor organization for more effective management of migration of skilled labor and illegal migration.

Жаҳон илмий адабиётларида аҳоли миграцияси "маъмурий-худудий субъектларнинг ташқи ва ички чегараларини кесиб ўтиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳудудий ҳаракат деб тушунилади.

Миграция лотинча «migratio» сўзидан олинган бўлиб, аҳолининг жойини ўзгартириши, бошқа жойга кўчиб ўтиши маъносини англатади. Ана шу атамадан келиб чиқсан ҳолда миграциянинг тор ва кенг маъноси фарқланади. Тор маънода аҳолининг миграцияси – бу уларнинг доимий тураг жойининг ўзгартирилиши билан якунига етадиган ҳудудий жойини

ўзгартиришидир. Кенг маънода аҳолининг миграцияси эса одамларнинг бир ёки бир нечта маъмурий-ҳудудий бирликлардаги турли аҳоли турар жойлари ўртасида давомийлиги, мунтазамлиги ва мақсадидан қатъи назар кўчиб юришидир [1].

Халқаро Мехнат миграцияси тавсияларига мувофиқ, мамлакатда бўлиш муддатига қараб, фуқаролар қуидаги тоифага ажратилади:

1. Ташриф буюрувчилар - уч ойдан кам муддатга келган шахслар (масалан, сайдёхлар). Ушбу тоифа муҳожирлар деб ҳисобланмайди, аммо амалиёт шуни кўрсатадики, меҳнат миграциясининг бир қисми қисқа (уч ойдан кам) муддат давомида амалга оширилиши мумкин, масалан, мавсумий миграция ёки маълум бир қисқа муддатли ишларни бажариш учун чет эллик ишчиларни ёллаш.

2. Мигрантлар, шу жумладан:

- қисқа муддатли мигрантлар - одатдаги яшаш жойидан бошқа мамлакатга 3 ойдан кам бўлмаган ва 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кўчиб юрадиган шахслар;

- узоқ муддатли муҳожирлар - камида бир йил (12 ой) муддатга одатдаги яшаш жойидан бошқа мамлакатга кўчиб ўтадиган шахслар.

Маълумки, сўнгги ярим аср мобайнида катта иқтисодий кўрсаткичларга эришган Туркия, Хитой, Хиндистон, Филиппин ва ҳатто индустрисал ривожланган Японияда ҳам миграцион жараёнлар ва унда иштирок этган фуқароларнинг инсоний кечинмалари социологиясини изчил илмий ўрганиш орқали катта ютуқлар қўлга киритилган. Уларнинг тажрибаларидан бугунги кунда ривожланиб бораётган бошқа мамлакатлар ҳам унумли фойдаланмоқда.

Умуман олганда меҳнат миграцияси бу маҳаллий меҳнат бозорининг инқирози оқибатида юзага келадиган ҳолатдир. Меҳнат бозорининг инқироз ҳолатини тавсифловчи қатор тизимли муаммоларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иқтисодиётнинг айрим тармоқларида (масалан, қишлоқ хўжалиги секторида) аҳолининг қашшоқлигини келтириб чиқарадиган самарасиз иш билан таъминлаш;

- заиф тадбиркорлик фаолияти;

- келажакда аҳоли сонининг ноаниқлиги;

- ибтидоий технологияларга қайтиш тенденцияси, қўл меҳнати, кам даромадли, ижтимоий химояланмаган фаолиятга йўналиш;

- кўп меҳнат талаб қиласидиган тармоқларнинг етишмаслигини қоплайдиган бизнеснинг кўплаб турларининг ривожланмаганлиги;

- баъзи замонавий миңтақаларда, асосан, замонавий арzon уй-жойлар бозорининг етишмаслиги сабабли заиф ҳудудий ва профессионал харакатчанлик;

- ишчи кучининг касбий ва малака тузилмасининг меҳнат бозори эҳтиёжларига мос келмаслиги [8].

Миграция жараёнининг ҳозирги босқичи олдингиларидан кўлами, географик хусусиятлари, трансформациялашуви ва интеграциялашуви жиҳатдан динамик кўрсаткичлари, ижтимоий-демографик таркиби билан фарқланиб туради. Миграция оқимларининг йўналиши дунё миқёсида ўзгариб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг миграцияси узоқ хорижга ҳам (АҚШ, Европа, Араб мамлакатлари, асосан, БАА, Миср, Баҳрайн, Қувайт, Саудия Арабистони, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия), яқин хорижга ҳам (масалан, Россия, Қозоғистон) амалга оширилмоқда.

Пандемиягача бўлган шароитда дунё бўйлаб миграцияда иштирок этаётганларнинг сони кескин ошиб борганини кузатар эканмиз, пандемия шароитидан кейин ҳам уларнинг сони янада ортиши башорат қилинаётгани бежиз эмас. Миграция кўлами кенгайишига камбағаллик, ишсизлик, инсон хуқуқларининг поймол қилиниши, келажакка нисбатан умидсизлик ва тушкунликка тушиш, турли хил низолар, урушлар туфайли нотинчлик, кўркув каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунга қадар илм-фан ва амалиётда ёшларни касбга йўналтириш мавжуд ва янги иш ўринларини рақамлаштириш, ёшлар иштирокидаги малакавий миграцион жараёнларни бошқариш учун самарали воситалар мавжуд ва шунинг учун касбий, малакавий, малакавий ва худудий мувозанатни минималлаштиришга имкон берадиган меҳнат бозори ёшлар сегментининг тартибга солиш ва такомиллаштириш учун кенг қамровли концепция зарур. Бу ўз навбатида меҳнат бозори ёшлар сегментини тартибга солиш ва такомиллаштиришни илмий ўрганишга асос бўлади.

Мигрантлар ўз табиатига кўра жамиятнинг ишбилармон ва ҳаракатчан аъзолари хисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, миграция иқтисодий ўсишга, миллатларнинг ассимиляциялашуви, маргинал маданиятлар бойишига олиб келган [2]. Миграцион жараёнларни таҳлил этишда унинг муҳим муаммолари мавжудлигини ҳам инобатга олиш зарур. Хусусан, аксарият ҳолларда мигрантлар эксплуатация қилиниб, уларнинг хуқуқлари поймол этилади. Мигрантларнинг жойлашган мамлакатлари маданияти ва турмуш тарзига мослашуви, интеграциялашуви қийин кечади. Уларни қабул қилаётган давлатлар туб аҳолисини иш жойларидан маҳрум этади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг мигрантларга нисбатан салбий муносабатини шакллантиради. Ушбу ва бошқа кўплаб сабабларга кўра, миграция муаммосини ҳар томонлама, шу жумладан, сиёсий-социологик жиҳатдан ўрганиш талаб қилинади.

Ижтимоий жиҳатдан чукур илмий ўрганиш, бир томондан, меҳнат бозорининг янги инфраструктурасини, кўп меҳнат талаб қиласидиган соҳалари ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини қамраб олса, бошқа томондан, иқтисодиётнинг анъанавий соҳаларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожлантиради. Сўнгти йилларда миграция фаол сиёсий мунозаралар марказида бўлган. Аксарият одамлар муҳожирларни ижобий

қабул қилишади, аммо нотўғри тушунчалар ва қўрқувлар ҳам мавжуд. Масалан, баъзилар мигрантлар иқтисодиёт учун оғир деб ишонишади. Тартибга солинган миграция доимо ўз ижобий томонларини намоён этган.

Миграция жараёнларини тартибга солишининг энг муҳим воситаси – бу меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришdir. 2020 йилнинг 15 сентябрида Президент имзолаган “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарори кўпгина муаммоларга ечим топишга йўл очди.

Хусусан, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида хуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш қарорнинг асосий мақсади эканлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга вактинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ҳажмини ошириш, ушбу мақсадда вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг вазифа ва ваколатлари доирасини кенгайтириш;

- ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хориждаги ватандошлар ташкилотлари ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

- хорижга ишлашга кетишдан олдин Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинадиган сертификатларни бериш тизимини жорий қилиш;

- хорижда мураккаб шароитга тушиб қолган меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш амалиётини кенгайтириш, улар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

- чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлашга ва кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш;

- меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш [3].

Карорга кўра хорижда ишлашга кетишдан олдин Ўзбекистон фуқароларини касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинадиган сертификатларни бериш тизимини жорий қилиш мазкур тизимнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, қарорга кўра, 2021 йил 1 январдан:

- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими”га киритилган кам таъминланган оила аъзоси ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик ишлаш учун хорижга чиқаётганда уларга микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинади;
- микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 млн сўмгача миқдорда 1 йил муддатга берилади;
- микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилинади.

Жаҳон банки 2020 йил 2-чорагида “Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш истиқболлари” деб номланган маърузасининг 4-бобидаги янги тадқиқотларида “...миграцияни қабул қилувчи мамлакатларга иқтисодий таъсирини кўриб чиқамиз ва миграция одатда мезбон мамлакатларда иқтисодий ўсишни ва самарадорликни яхшилайди” деган холосага келди [4].

Бироқ, пандемия натижасида миграция оқимлари тўсатдан тўхтади. Ўзини жуда катта изоляция қилиш вақтинчалик, аммо пандемия изоляция ва ташқи дунё учун очиқликка ишонмаслик ҳақидаги умумий туйғуларни кучайтириши ва мамлакатларнинг муҳожирларни қабул қилишга мойиллигига узоқ муддатли таъсир кўрсатиши мумкин. Иммиграциянинг пасайиши – ташқи миграцияни қўллаб-куватлайдиган мамлакатларда ишсизлик даражаси ошишига, уй хўжаликларига чет элдан пул тушумларининг пасайиб кетишига туртки бўлди.

Бундан ташқари, миграция жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларига таъсир кўрсатадиган мураккаб ижтимоий жараён сифатида қаралади, чунки миграция инсоният тарихида муҳим рол ўйнаган, улар жамоавий ва меҳнат муносабатларнинг ривожланиши, ерларнинг ривожланиши, турли ирқлар, маданиятлар, тиллар ва халқларнинг шаклланиши билан боғлиқ.

Пандемия шароитини ҳисобга олмасак, миграция оқимларининг жадал кенгайиши барча глобал ўзгаришларнинг таркибий омилига айланиб улгурди.

Ёшлар меҳнат миграцияси ҳозирги пайтда глобал характер касб этмоқда ва шу билан бирга глобаллашувнинг белгиси ҳамdir [5]. Маълумки, глобаллашув - бу халқларни, давлатларни бирлаштириш жараёни; халқлар ўртасидаги чегараларнинг йўқ қилинишига ва ягона сиёсий, иқтисодий ва маънавий маконнинг яратилишига олиб келади. У умумий тизимда, жаҳон бозорида турли давлатларнинг иқтисодий тизимларини бирлаштиради, бу маданият ва халқларнинг турмуш тарзи ўзгаришига ёрдам беради. Глобаллашув жараёни бутун инсониятнинг янги ихтиrolарга, технологияларга, билимларга киришини осонлаштиради, ривожланиш ва ижодга таъқиқ ва чекловларни олиб ташлайди, шунинг учун глобаллашув тизимли характерга эга бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олади.

Ҳар хил турдаги миграция - иқтисодий, этник, меҳнат интенсивлигининг ортиши глобаллашувнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, мигрантларнинг мамлакатларнинг доимий аҳолисидаги улуши глобаллашув жараёнларига қўшилиш даражасини акс эттиради. Шу билан бирга, миграция жараёнларининг афзалликлари ҳам, камчиликлари ҳам бор, шунинг учун қарама-қаршиликлар ва низоларнинг манбасига айланади.

Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез ўсиши у ердаги меҳнат ресурсларининг ортиқча бўлишига олиб келди. Замонавий таълимнинг ривожланиши ривжоланаётган мамлакатлар ёшлирининг ривожланган мамлакатлар меҳнат бозори талабларига мослашишига замин яратмоқда.

Бир неча ўн йиллар давомида барқарор ёшлар миграцияси ривожланган мамлакатларда меҳнат бозорининг сегментациясига ва асосан мигрантлар банд бўлган секторларнинг ажралиб чиқишига олиб келмоқда. Бу биринчи навбатда, расмий ёки норасмий бандлик сегментларидаги юқори малакани талаб қилмайдиган, оғир шароитлар ва иш ҳақи кам, энг камситилган нуфузли иш жойларини ўз ичига олади.

Ёшлар миграцияси фаоллигининг ошиши миллатлараро муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Турли хил маданиятлар, қадриятлар, эътирофлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, улар миллатлараро низо, уруш каби жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айрим тадқиқотчилар таъкидлайди [6].

Интеллектуал меҳнат ресурсларининг халқаро мобиллиги жараёнларининг кучайиши сабаблари: ривожланган давлатларда туғилишнинг камайиб кетиши ва миллий иқтисодиёт замонавий секторининг юқори малакали мутахассисларга талаби кучаяётганлиги;

реципиент давлатлар томонидан тегишили мутахассисларни импорт қилиш ҳисобига уларни ўzlари тайёрлашлари учун маблағлари ва вақтларини тежашга интилишлари;

миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришларда технологик ўзгартиришларнинг амалга оширилиши сабабли юқори малакали миллий мутахассисларнинг етишмаслиги;

трансмиллий компаниялар фаолиятининг кенгайиши;

меҳнат ресурслари мобиллигини таъминлаш тармоқларининг кенгайиши;

интеллектуал шерикликнинг (илмий-тадқиқот институтлари, университетлари тиббиёт марказлари ва ҳоказолар ўртасида) кучайиши;

таълим ва малака стандартларининг унификациялаштирилиши ва дипломларнинг ўзаро тан олиниши;

билим ва тажриба узатилишининг виртуаллашиши (ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида меҳнат ресурслари мобиллигини тураг жойни ўзгартирмасдан амалга ошириш имкониятининг пайдо бўлиши).

Ёшлар меҳнат миграциясининг афзалликлари:

1. Миграция ёшларга келиб чиқиши жойларида мавжуд бўлмаган иш имкониятларини тақдим этиши мумкин.

2. Иш қидиувчиларнинг чиқиши ортиқча ишчи кучи таклифи билан боғлиқ маҳаллий меҳнат бозори ички босимини юмшатиши мумкин.

3. Миграция ёш хотин-қизларга имконият яратиши ва адолатли гендер тенгликни кучайтириши мумкин.

4. Таълим, меҳнат билан бандликка боғлиқ сабабларга кўра миграция вояга етмаганлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш имконини бериши мумкин.

5. Пул ўтказмалари оқими келиб чиқиши мамлакатда иқтисодий ўсишга ва қашшоқликни камайтиришга ҳисса қўшиши ҳамда инсон капиталига инвестицияларни жалб қилиши мумкин.

6. Ёш мигрантлар ўз ватанлари учун технологияларни узатиш, инвестициялар ва венчур капитал манбаи бўлиши мумкин.

Ёшлар меҳнат миграциясининг салбий оқибатлари:

- миграция кўпинча мамлакат учун юқори малакали кадрларни ўйқотишига ва муҳим хизматлар сифатининг пасайишига олиб келади;

- юқори малакали иқтисодиёт фаол аҳоли захирасининг қисқариши иқтисодий ўсиш ва унумдорлик пасайишига сабаб бўлади;

- ёш оиласарда фарзандлар ўсишида руҳий ва ижтимоий камчиликлар ва интерваллар таъсири бола тарбиясига ва соғлом ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин;

- миграция ижтимоий заиф қатлам бўлган ёшларни, айниқса, ёш хотин-қизларни камситиши ва эксплуатация қилиниш хавфини ошириши мумкин.

Шундай қилиб, ёшлар миграция жараёнларининг глобаллашуви, авваламбор, давлатлараро бўлинмалар ўтказувчанлигини объектив равишда ошириш ва инсон ресурсларининг миллий, трансмиллий оқимлари тезлиги ва интенсивлигини кескин оширишдир. Кўчиб ўтишнинг оқибатлари, биз қўриб турганимиздек, турли соҳаларда намоён бўлади ва ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Шу муносабат билан глобаллашув даврида мамлакатлар олдида турган асосий вазифалардан бири бу мамлакатларнинг фаровон ривожланишини, уларнинг кейинги иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий фаровонлигини таъминлаш мақсадида миграция жараёнларини аниқ тартибга солувчи самарали миграция сиёсатини ишлаб чиқишидир.

Шу ўринда ёшлар меҳнат миграциясини тартибга солишида қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Рақамли меҳнат платформаларидан умумли фойдаланишини йўлга қўйиш. Бу ёшларни онлайн иш билан бандлиги ва даромадини халқаро стандартда бўлишинни таъминлайди.

2. Ёшлар малакасини оширишда Халқаро стандарт қасблар таснифлагичи (ISCO) тизимига мослаб қасбга тайёрлаш ва халқаро сертификатлар билан таъминлаш бўйича тегишли халқаро ва нодавлат ўкув

марказларини ташкил этиш. Бу ёшларни иши хорижда ўз мутахассислиги бўйича иш топишига имкон беради.

3. Олий маълумотли ёш меҳнат мигрантларини реципиент (меҳнат мигрантларини қабул қилиб олувчи) давлатлардаги меҳнат шартномаларини чуқур таҳлил қиласидан механизм ишлаб чиқиш.

4. Меҳнат мигрантлар бўйича маълумотлар банкини шакллантириш. Бу билан уларнинг келгусидаги иқтисодий-ижтимоий ҳолати бўйича аниқ истиқболли дастурлар ишлаб чиқиш мумкин. Бу илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қиласидан.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдураҳмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: «FAN», 2019 йил. - 670 б.
2. Парманов Ф. Миграция мезони ва урбанизация. // Адолат Ижтимоий-сиёсий газетаси. 2019 йил 7-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарори. www.lex.uz/docs/4997972 - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. <https://www.imf.org/ru/Publications/WEO/Issues/2020/04/14/weo-april-2020> - Перспективы развития мировой экономики. Апрель 2020 г.
5. Вершинина И. А. Миграционные процессы в условиях глобализации: Социологический анализ факторов и тенденций развития: Автореф... дис. канд. социол. наук. – Москва: МГУ им. М.В. Ломоносова, 2006. 138 с.
6. Римашевская Н.М. Человек и реформы: Секреты выживания. - М.: ИСЭПН РАН, 2003. - 392 с. С. 373-375
7. Вертелецкая Н.П. Миграционная политика в условиях глобализации // Мир и политика, 2012. №11.
8. Яковлева Е.А. Тенденции разделения труда в сельском хозяйстве. Теория и практика. Воронеж: ВГУ, 2010.